



№ 329

« 21 _____ Май 2018 ж.й

Ўзбекистон Республикасы Президентининг 2018 йил 14 майдагы

«Ўзбекистон Республикасы Куролли Кучлари харбийлари ва

уларнинг оғла аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПК-3726-сонли

қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикасы Президентининг 2018 йил 14 майдагы

«Ўзбекистон Республикасы Куролли Кучлари харбийлари ва уларнинг оғла

аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида» ги ПК-3726-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қорақалпоғистон Республикасы Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасы Президентининг 2018 йил 14 майдагы «Ўзбекистон Республикасы Куролли Кучлари харбийлари ва уларнинг оғла аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПК-3726-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикасы Президентининг мазкур қарори билан:

а) 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасы Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва олдий аскарлар таркиби (кейинги ўринларда - вазирлик ва идоралар) фарзандлари учун:

республика олий таълим муассасалари давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига умумий белгиланган қабул кўрсаткичлари квотасидан ташқари:

харбий олий таълим муассасаларига курсантларнинг умумий қабул сонидан бақалаврийатта қабул қилиннинг беш фойзли квотаси ажратилиши (иккинчи ва ундан кейинги олий таълимдан ташқари);

б) мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ республиканинг олий таълим муассасалари ва олий харбий таълим муассасаларига (кейинги ўринларда - таълим муассасалари) квота асосида кириш ҳамда давлат гранти асосида таълим олиш ҳуқуқи мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўшган, хизматдаги харбий ва илмий фаолиятда маълум бир натижаларга эришган ва тегишли вазирликлар ва идораларнинг тавсияномаларига эга бўлган хизматдаги офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва олдий аскарларнинг (кейинги ўринларда - харбий хизматчилар) фарзандларига берилиши;

ажратилган беш фойзли квота чегарасида харбий хизматчиларнинг

фарзандларини қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади ҳамда жойлар Ўзбекистон Республикасы Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари натижаси бўйича тўплаган баллардан келиб чиққан ҳолда, навбатдаги кетма-кетлик тартибига мувофиқ тақсимлангани;

олий таълим муассасаларига фарзандлари ўқишга кириши учун харбий хизматчиларга бериладиган тавсияномалар, тавсияномаларни бериш тўғрисидаги қабул қилинадиган қарорларнинг ҳолислиги юзасидан шахсий жавобгарлик юкланадиган, харбий хизматчиларнинг (болшиқларнинг) бевосита командирларининг илтимосномалари асосида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан берилиши;

тавсияномалар фарзандларнинг олий таълим муассасасига бир марта кириши учун ўқ йилдан ошмайдиغان муддатга берилиши;

айтүрентганда тегишли вазирлик ва идора томонидан берилган тавсияноманинг мажбушлиги ҳолатида, шунингдек, муддатли харбий хизмат ниҳоясига етгандан кейин харбий қисминг қўмондонлиги томонидан, муддатли харбий хизмат муддати тулаганидан сўнг харбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган, тавсияномада назарда тутилган қўшимча йинилган балларни хисобга олган ҳолда, уни ўқишга қабул қилиши Ўзбекистон Республикасы Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари натижаси бўйича танлов асосида амалга оширилиши;

тавсиянома бланклари катъий хисобот ҳужжати хисоблангани, хисобга олиш сервиси, рақами ва химояланган даражасига эга бўлиб, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланиши белгилаб қўйилганили;

в) Ўзбекистон Республикасы Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар ўрасида олий таълим муассасаларига беш фойзли қабул квотасининг умумий хар йили тақсимланадиган жойлари қуйидаги нисбатда тақсимланганили:

Мудофаа вазирлиги - 44 фойз;

Ички ишлар вазирлиги - 10 фойз;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги - 3 фойз;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги - 1 фойз;

Давлат хавфсизлик хизмати - 30 фойз;

Миллий твардия - 10 фойз;

Ўзбекистон Республикасы Президентининг давлат хавфсизлик хизмати

2 фойз.

г) 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва олдий аскарлар таркибидати, харбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, шунингдек, харбий хизматни ўташда ярадор бўлган, контузья, шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёки касаллиқларга дучор бўлган харбий хизматчиларнинг фарзандлари вазирликлар ёки идораларнинг тегишли тавсияномалари асосида белгиланган қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида олий таълим муассасаларининг

Бакалавриятга (иккинчи ва ундан кейинги олий таълимдан ташқари) танловга қабул қилиниши белгилан кўйилганлиги;

д) вазирликлар ва идораларга 2018/2019 ўқув йилларидан олдин тўлов шартнома асосида олий таълим муассасаларининг бакалавриятларига ўқишга кирган, харбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва олдий аскарларнинг фарзандлари учун бюджетдан ташқари мабтағлар ҳисобидан шартномаларни тўлашга руҳсат этилганлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда;

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари харбийлари фарзандларини квота асосида республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномаларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;


конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва кўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирликлар, идоралар, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юқлатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К.Сариев